O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
# BUNYODKORI
№47 (700) 2023 йил 9 июнь, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЯНГИ ФАРМОН

## Рақамли назорат тизимини жорий этиш ёқилғи-энергетика соҳасига нима беради?

**Ҳисоб-китоб яхши бўлмаган ҳар қандай жойдан барака қочади. Чунки нима қаерга кетаётганининг аниқ йўриғи юритилмаслиги исрофгарчилик ва талон-тарожликка йўл очади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 24 май куни "Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва "рақамли энергоназорат" тизимини жорий этиш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Бу мамлакатимизда ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, уларни талон-тарож қилиш ҳолатларининг олдини олишда муҳим ҳужжат бўлди.

Дарҳақиқат, бу турдаги ресурсларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларни миқдор жиҳатидан сақлаш жараёнига "рақамли энергоназорат" тизимини тўлиқ жорий этиш долзарб саналади.

Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши таъминланиши, ресурсларининг сарфланиши ҳамда сифатини доимий ўрганиб бориш бўйича истиқболда қандай ишлар олиб борилади? Ушбу мақолада шу ва мавзуга доир бошқа саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинади.

Дунёда аҳоли сонининг ошиши, саноат ривожланиб, иқтисодиётнинг ўсиши ёқилғи-энергия ресурсларига талаб ортишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатимизда ҳам кузатилаётгани, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилаётгани эътиборга молик.

– Фармонда "рақамли энергоназорат" тизимини тўлиқ жорий этиш ҳақида сўз боради. Бу нимани англатади? – деди Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос ЎзА мухбири Икром Аввалбоевга. – "Энергоназорат" платформасининг жорий этилиши, энг аввало, тармоқларга ноқонуний уланиш ва ресурсларнинг ноқонуний истеъмол қилиниши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш имконини яратади. Айтайлик, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси, ишлаб чиқариш корхонаси каби объектларда ёқилғининг одатдагидан кам сарф этилаётгани аниқланди. Бу ҳолатда янги тизим ўша ерга тегишли назорат ходимларининг эътиборини қаратади. Бу жараёнда жамоатчилик назоратининг кўмаги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Платформанинг яна бир муҳим вазифаси ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, тақсимлаш жараёнларининг миқдор жиҳатидан мониторинг қилиб боради. Бу жараёнларда ҳам йўқотишлар кузатилса, тизим уни ҳам тезкор аниқлайди. Зеро, ишлаб чиқариш ва истеъмол бир бирига мос бўлиши керак.

Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назоратини таъминлашда бир қатор муаммолар сақланиб қолаётган эди. Хусусан, энергетика таъминотида вертикал бошқарув ва идоравий назоратнинг сусайиб кетганлиги, маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан етказиб бергунгача бўлган босқичлар тўлиқ рақамлаштирилмаган. Жараёнларда инсон омили иштироки кўплиги ҳал қилиниши керак бўлаётган масалалардан бири эди.

Шу каби ҳолатлар инобатга олиниб, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёнлари устидан давлат назоратини кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тегишли топшириқлар берилди.

– Фойдаланилаётган энергия ресурси учун қатъий тўлов тизими йўлга қўйилмагани, ундирувнинг замонавий усуллари татбиқ қилинмаганлиги, жамоатчилик назоратининг олиб борилмаслиги соҳада муаммолар тўпланишига сабаб бўлган омиллар сирасига киради, – деди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Дилмурод Валижонов. – Муаммо бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, қарздорликлар ошиб кетиши таъминот корхоналарида тармоқ ва қурилмаларнинг модернизация қилинмаслигига олиб келди. Фармонда шу каби масалаларни тезкор ҳал этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, Бош прокуратура томонидан 2023 йил 1 сентябрга қадар "Прокурор назорати" ахборот тизими жорий этилади. Унда ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари ҳамда уларнинг натижасига оид маълумотлар, ҳужжатларнинг ягона базаси юритилади.

Ҳужжатга кўра, ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли томонидан Энергетика вазирлигининг махсус ахборот тизимига юборилган электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Шунингдек, ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика ҳамда ҳудудий штаблар тузилади.

Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини янада кучайтириш, соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда "E-kon" лойиҳаси амалга татбиқ этилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади маҳсулотнинг қудуқдан чиқаётган жараёнидан бошлаб манзилига етиб боргунича тегишли ўлчовлар қўйилади. Бу орқали конлардаги ерусти тизимлари рақамлаштирилиб, еростi билан интеграция қилинмоқда. Замонавий илғор технологияларни жалб қилган ҳолда углеводород конларидан табиий газ қазиб чиқариш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш кўзда тутилган. Жорий йил давомида қудуқлар ва газ йиғиш пунктларидаги ҳарорат, босим ва кунлик газ сарфини ўлчовчи радар датчиклар, оқим ўлчагичлар каби бошқа бир қатор махсус қурилмаларни ўрнатиш орқали барча конларни рақамлаштириш режалаштирилган.

Яқинда "Ўзбекнефтгаз" ва "Ўзлитинефтгаз" акциядорлик жамиятлари ўртасида ушбу лойиҳа доирасида конларни рақамлаштириш тизимини жиҳозлаш, қуриш, ўрнатиш ва жорий этиш бўйича шартнома имзоланди.

Шунингдек, "Рақамли энергоназорат" тизими бошқа тегишли соҳалар билан мутаносиб боғланади. Бу ўринда электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ етказиб бериш тизими бошқа тегишли ташкилотлар билан ўзаро боғланиши назарда тутилмоқда. Бу соҳанинг очиқ ва шаффоф бўлишига хизмат қилади.

Фармон ёқилғи-энергия ресурсларининг талон-тарож қилинишининг олдини олишга хизмат қилади, соҳада мавжуд салбий ҳолатларни бартараф этади. Хусусан, соҳасининг коррупциядан ҳоли бўлишига хизмат қилади. Энг асосийси, аҳолини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиши кутилмоқда.

# Хавфсизлик қоидалари қурувчилар саломатлиги учун ишлаб чиқилган



Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари йил сайин ортиб бормоқда. Аҳолига зарур шароитлар яратиб бериш учун қурувчиларимиз тер тўкиб меҳнат қилишяпти. Хусусан, 2023 йилнинг январь-апрель ойлари Ўзбекистонда 41,7 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 фоизга ошган. Шунингдек, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, республика бўйича қурилиш соҳасида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 51 277 тани ташкил қилди. 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ушбу соҳадаги корхоналар сони 8,1 фоизга кўпайган.

Фаолият юритаётган корхоналарда минглаб қурувчилар ишламоқда. Қурилиш жараёнларида уларнинг хавфсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Расмий маълумотларга қараганда, 2021 йилда республикада қайд этилган 574 та бахтсиз ҳодисаларнинг 168 таси (29 фоизи) қурилиш жараёнида содир бўлгани оқибатида 84 нафар ишчи вафот этган. Шу жумладан, ушбу соҳада рўй берган бахтсиз ҳодисалар сабаб 113 киши оғир тан жароҳати олган. Кўринадики, ҳар бир ишчи-ходим техника хавфсизлиги қоидаларини пухта билиб, унга амал қилса, ўзи ва ўзгаларнинг ҳаётини таҳликага қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг "Қурилиш ишларини ташкил қилиш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (0022-22-сон САНҚВАН) тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг 6-бобида қуйидагича келтирилади:

• иш берувчи шахсий ҳимоя воситаларининг тўғри сақланишини, махсус кийим ва пойабзалларни ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситаларини кимёвий тозалаш, ювиш, таъмирлаш, газсизлантириш ва зарарсизлантириш ишларини амалга оширилишини таъминлайди;

• иш шароити талабидан келиб чиқиб, махсус кийим ва пойабзалларни қуритиш, чангдан тозалаш ҳамда шахсий ҳимоя воситаларини газсизлантириш ва зарарсизлантириш учун мосламалар ташкил этилади;

• тана ифлосланиши билан боғлиқ ишларда шуғулланадиган ишчилар учун ювувчи ва зарарсизлантирувчи воситалар бўлиши лозим;

• қўл ювиш жойига совун қўйилиши, сочиқ доимий равишда алмаштирилиб борилиши ёки қўлни қуритиш қурилмаси ўрнатилиши лозим. Қўл терисига таъсир қиладиган моддалар билан ишлаганда, ишчилар профилактик пасталар ва малҳамлар ҳамда ювувчи, зарарсизлантирувчи воситалар билан таъминланади.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 64-бандига кўра, умумий зарарли бўлган ишлаб чиқариш ифлосланишидан ва механик шикастланишдан ҳимоя қилиш учун қуйидагилар назарда тутилади:

• терининг умумий ифлосланишдан, механик шикастланишдан ва намликдан ҳимоя қилиш учун махсус кийимлар (фартук, қўлқоп, қаттиқ тагликли чарм пойабзал ва бошқалар), шу жумладан, эркаклар ва аёллар учун костюмлар (куртка, шим ёки ярим комбинезон);

• пайвандловчилар учун костюм, чарм этик, диэлектрик тагликли сирпанмайдиган махсус пойабзал;

• чангдан юқори даражада ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлган махсус кийимлар, резинали матодан қилинган фартуклар, сувни ўтказмайдиган қўлқоплар;

• намликдан ҳимоя қилиш мақсадида бўяш ва сувааш ишларини бажарувчилар учун сув ўтказмайдиган матодан костюм;

• бетон тайёрловчи, бурғулаш ишлари билан шуғулланувчи, портлатувчи ва шунга ўхшаш соҳа мутахассисларига сув ўтказмайдиган матодан костюм, енгли куртка, шим, резина этик.

Бундан ташқари, қарорда ишчиларнинг саломатлигига жиддий зарар етказмаслик учун шовқин даражаси 135 дБА дан юқори бўлган жойларда қурилиш ишлари олиб борилмаслиги белгиланган.

Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, қурилиш майдонларида хавфсизликни таъминлаш учун қатъий тартиб-қоидалар ишлаб чиқилиб, назоратни кучайтириш лозим. Шунингдек, ишни бошлашдан аввал ёлланма ишчиларда зарурий билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши ҳамда қоидалар билан танишиши учун уларга малака дарслари ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**"O‘zbekiston bunoydkori" мухбири Муродбек ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

# Бунёдкорлик ишларидан аҳоли мамнун

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бугунги кунда жадал давом эттирилмоқда.**

Хусусан, Фориш туманидаги Учма маҳалласининг инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш борасида кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги 435-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ушбу маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга асосан туман "Автомобиль йўллардан фойдаланиш" давлат унитар корхонаси ва бир қатор масъул ташкилот ва идоралар томонидан маҳалланинг 15 километр ички йўллари таъмирланиб, кенгайтирилди, қум-шағал тўкиб, текисланди. Шунингдек, яқинда Учма маҳалласида Фориш тумани ободонлаштириш бошқармаси ва туман "Автомобиль йўллардан фойдаланиш" давлат унитар корхонаси томонидан яна 800 метр ички йўлларда таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда маҳалла аҳли яратиб берилаётган шарт-шароитлардан мамнун.

Зомин туманининг олис тоғли ҳудудлардаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони яна биттага кўпайди. Туманнинг чекка ва олис "Дуоба" қишлоқ фуқаролар йиғинида янгидан барпо этилган 24-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Боғча 120 ўринли бўлиб, бу ерда дуобалик болажонларнинг таълим-тарбия олиши учун барча замонавий қулайликлар яратилган. Эътиборлиси, ушбу боғчада қишлоқдаги 25 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Зарбдор туманида энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва қуёш панелларини ўрнатиш бўйича ҳар бир корхона ва ташкилотларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Жумладан, ҳудуддаги 30 та ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идоралари, 42 та тадбиркорлик субъектлари, 24 та маҳаллада 70 та аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар томонидан 2,0 МВт кичик фотоэлектрик станцияларни ўрнатиш режалаштирилган. Бугунги кунда 18 та ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига 313 кВт соатлик, 12 та тадбиркорлик субъектларига 102 кВт соатлик, 24 та маҳаллада 75 та аҳоли хонадонларига 226 кВт соатлик қуёш панеллари хамда 19 та аҳоли хонадонларига 1,9 минг литрлик ва 4 та ижтимоий соҳа объектга 800,0 литрлик гелиоколлекторлар ўрнатилди.

Бугунги кунда, Арнасой туманини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ 11 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам янги, замонавий маҳалла гузарларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб боряпти.

Мазкур қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифатли олиб борилишини назорат қилиш юзасидан Арнасой тумани ҳокимининг қурилиш, коммуникацияларини ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Фахриддин Адилов, Халқ депутатлари Арнасой тумани кенгаши депутати Рустам Нурматов ва ОАВ вакиллари ўрганиш ишлари олиб борди. Жумладан, Тинчлик, Гулбаҳор, Дўстлик маҳаллаларининг янги биноларини қуриш ишлари бошлаб юборилган бўлса, "Чўлқувар" МФЙда хизмат биносини мукаммал таъмирлаш учун Жиззах вилояти ҳокими қарори асосида 369 млн сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда "Бест МДФ Акфа" МЧЖ томонидан ишлар 98 фоизга якунланиб, қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Мазкур маҳалла биноси жорий йилнинг июль ойида фойдаланишга топширилади.

# Кичкинтойлар қувнайди, яйрайди, ўқийди

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги тўрт йил мобайнида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида Наманган вилоятининг қишлоқ ва маҳаллаларидаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш, ободонлаштириш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Барча бунёдкорлик ишлари танлаб олинган ҳудудлар бўйича тизимли ва тасдиқланган манзилли режалар асосида амалга оширилмоқда.**




Жумладан, вилоятнинг Учқўрғон туманидаги 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ўттиз икки йил аввал қурилган ушбу муассасада "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Газ таъмир парвоз" МЧЖ томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Замонавий талабларга тўла жавоб берадиган таълим-тарбия муассасасида 420 нафар болажонлар муҳайё қилинган шароитлардан баҳраманд бўлади.

– Мазкур муассасага "Меҳнатобод" ва "Деҳқонобод" МФЙларида истиқомат қилаётган оилалардаги кичкинтойлар қамраб олиниши кўзда тутилган бўлиб, улар учун махсус тренажёрлар, компьютер саводхонлиги ва чет тилини ўрганиш тўгараклари ташкил этилади, – деди "Меҳнатобод" МФЙ раиси Робияхон Низомова. – Ошхонадаги қулайликлар янги дастур асосида янада такомиллаштирилиб, хоналар мебеллар билан жиҳозланди. Иссиқ ва совуқ сув тармоқлари ва ўйин майдонларида ҳам барча шароитлар бор. Тарбиячилар ҳар бир бола билан якка тартибда машғулот ўтишади. Бир сўз билан айтганда, боғча тарбияланувчилари ўйнаб, яйраб, ўқиб-ўрганиб, жисмонан ва руҳан соғлом, баркамол ҳамда интеллектуал салоҳиятли авлод бўлиб вояга улғайишларида барча-барча афзалликлар бисёрдир.

Қайта қиёфаланиб, кўркамлашган ташкилотга қуёш батареялари ўрнатилди. Бундай ғамхўрликлардан, фаровонлик саъй-ҳаракатларидан ота-оналар мамнун ва жуда миннатдор.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№47 (700) 2023 йил 9 июнь

МОДЕРНИЗАЦИЯ

# Дарғомда энергия ишлаб чиқариш ортмоқда

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқандда азалдан номи тилларга тушган Хишрав қўрғони бор. Шаҳар билан туташиб кетган сўлим гўша йил сайин чирой очиб, фаровонлашиб бормоқда. Эътиборли яна бир жиҳати, қўрғон ҳудудидан Дарғом каналининг оқиб ўтганидир. Қадимий сув йўли атрофининг айрим жойлари аввал чакалакзорлардан иборат эди. Ҳозир эса соҳил инсоннинг қадоқ қўли ва бемисл ақли туфайли обод гўшаларга айлантирилган. Ана шу жойларда мевазорлар, гулзорлар барпо этилган, арчазорлар яшнаб турибди.**




Дарғом бўйидаги Хишрав ГЭСи шаҳарчада алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш тармоғининг муҳим бўғини ҳисобланган “Самарқанд ГЭСлари каскади” унитар корхонаси номини олган ушбу корхонадан вилоятдаги барча ГЭСлар фаолияти бошқариб турилади. Автоматлашган янги замонавий технологиялар орқали жойлардаги бажарилаётган ишлар жараёни кузатилиб борилади.

– Кейинги йилларнинг ўзида Дарғом йўналишида учта ГЭС барпо этилди, – деди корхона раҳбари Бахтиёр Пирмуҳаммедов. – Бу станциялар қатор афзалликлари билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Бинобарин, ГЭСлар электр энергияси манбаи бўлиш билан бирга вилоят иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, кўплаб янги иш ўринлари яратишга муҳим ҳисса қўшади. Бизда ҳам шундай бўлди. Биламизки, вилоятимизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда замонавий технологияларга асосланган экологик ишлаб чиқариш қувватларини яратишга жиддий эътибор қаратилган. Янгидан барпо этилган ГЭСлар ҳам шундай талабларга жавоб беришига шак-шубҳа йўқ.

Дарғом каналининг Ургут ва Тайлоқ туманларидан оқиб ўтувчи ҳудудида инвестиция лойиҳалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 апрелдаги 275-сонли қарори асосида “TBEA Co Ltd.” ва “Силовые машины” АЖ томонидан барпо этилган янги 3 та ГЭСни фикримизнинг исботи дейиш мумкин. Улардан бирининг буюртмачиси Тошкентдаги “1-қурилиш дирекцияси”, бош лойиҳачиси “Гидропроект” акциядорлик жамияти, бош пудратчиси эса Россиянинг “Силовые машины” акциядорлик жамияти бўлди. Янги биринчи гидроэнергетик қурилишнинг баҳоси 18,4 миллион АҚШ долларидан иборат эди.

Шовдор МГЭС қурилиши буюртмачиси ҳам “1-сон қурилиш дирекцияси-дир”, Ханьдан гидроэнергетика ва сув ресурслари лойиҳа-қидирув институти унинг бош лойиҳачиси , “TBEA Co.,Ltd.” очиқ акциядорлик жамияти эса бош пудратчисига айланди. Қурилишнинг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Барпо этилган ГЭС қуввати 7,2 мВтни ташкил этмоқда. Учинчи қурилишдаги буюртмачи ҳам “1-сон қурилиш дирекцияси” бўлиб, лойиҳа ишларини Ханьдан гидроэнергетика ва сув ресурслари лойиҳа-қидирув институти жамоаси бажарди. Бош пудратчиликни “TBEA Co.,Ltd.” очиқ турдаги акциядорлик жамияти ўз зиммасига олганди. МГЭС қурилишининг лойиҳа қиймати 16,2 миллион АҚШ долларини, корхона қуввати 7,4 мВтдан иборатдир. Хишрав ГЭСи эса яқинда тўлиқ модернизация қилингани эътиборга сазовор. Эндиликда корхонанинг бугуни кечасидан бутунлай фарқ қилади, барча ишлар автоматлашган технологиялар асосида бажарилиши йўлга қўйилган.

Айтиш керакки, “Самарқанд ГЭСлари каскади” УКнинг Хишрав ГЭСидаги ишлар жадаллик билан олиб борилди. Жисмонан ва маънан эскирган қурилмалар инвестиция лойиҳалари асосида янгиланди. Уларни халқаро андозаларга мослаштиришга эришилди. Ҳозирда ҳам бундай ҳаракатлар давом эттириляпти. Хитой Халқ Республикасининг CNTIC компанияси мутахассислари билан биргаликда корхонанинг малакали муҳандислари ҳам модернизациялашда фаоллик кўрсатишяпти. Маҳаллий мутахассислар қурилмаларни монтаж қилиш ишларини хорижликлардан ўрганиб, катта тажриба тўпладилар. Бу тарихий воқеа бўлиб, модернизация ишларида қатнашган муҳандислар учун ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Ўз навбатида ходимлар электр қурилмаларини эксплуатация қилиш, жорий ва мукаммал таъмирлашни ҳам ўзлаштиришиб олишди.

Ҳа, яқинда тўлиқ қайта реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган “Самарқанд ГЭСлари каскади” унитар корхонасида олиб борилган модернизация, бунёдкорлик, ободонлаштириш юмушлари иншоот ва унинг атрофини ҳам батамом ўзгартириб юборди. Қолаверса, корхонага кириб боришдаги равон йўл, атрофдаги манзарали дарахтлар, ҳовли ва кичик боғдаги саранжом-саришталиқ, кўплаб гул ва дарахт ниҳолларининг яшнаб туриши теварак-атрофга файз бағишлаётир. Шовуллаб оқаётган Дарғом каналининг шовқини дилларни янада завққа тўлдирмоқда.

# Тежамкор қурилма ортиқча харажатларга барҳам беради

**Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда ўтган қисқа давр бошқа тармоқлар қатори газ таъминоти соҳаси учун ҳам туб ўзгаришларга бой бўлди. Хусусан, соҳани янада ривожлантириш мақсадида олиб борилган изчил ислоҳотлар қатор муаммоларнинг олдини олиш, сифат самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Айниқса, тизимга рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши инсон омилини қисқартириш орқали шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.**

Яқинда “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналист ва блогерлар ана шу жараёнлар билан яқиндан танишишди. Дастлаб, ОАВ вакиллари “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали томонидан амалга оширилаётган ишларнинг қисқа видео роligини томоша қилишди.

Шу ўринда айтиш жоизки, тизим вакилларининг асосий мақсади аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга газни хавфсиз ҳамда ўз вақтида етказиб бериш ҳамда уни иқтисод қилишдан иборатдир. Бунинг учун филиалнинг шаҳар ҳамда туман газ таъминоти бўлимлари томонидан вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланиб, газ истеъмолида энергиятежамкор ускуналардан фойдаланиш босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда “ҲГТ Сервисе” дастурий таъминот – газ ускуналарининг ҳолати тўғрисида батафсил маълумотларни масофадан йиғиш ҳамда ҳар бир абонент бўйича табиий ва суюлтирилган газдан оқилона фойдаланишни назорат қилиш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу дастур газ ускуналарини кундалик ҳаётда ишлатишда истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлашга, газ таъминоти тизими ходимлари томонидан газ жиҳозларига техник ва профилактик хизмат кўрсатиш бўйича мажбурий хизматлар сифатини баҳолашга ва ўзаро ҳисоб-китобларни нақд пулсиз амалга оширишга қаратилган. ОАВ вакиллари ушбу дастурлар билан ҳам яқиндан таништириб ўтилди.

Истеъмолчиларга қулайлик яратиш учун ишга туширилаётган янги дастурий таъминот абонентнинг шахсий маълумотлари, хонадон геолокацияси ва телефон рақами каби маълумотларни ўз ичига олган. Шунингдек, дастурга истеъмолчида маиший газ ускуналарининг мавжудлиги ва уларнинг техник ҳолати тўғрисида маълумотлар киритилган. Дастурнинг яна бир хусусияти шундаки, у хизмат сифатини баҳолаш ёки шахсий кабинет орқали истеъмолчининг шикоятини узатиш имкониятига эга.

“ҲГТ Сервисе” дастури газ етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида газ ускуналарига профилактик ва техник хизмат кўрсатиш бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва уларни нақд пулсиз амалга оширишга имкон беради. Кўрсатилган сервис хизматлар учун тўлов (инвойс) СМС орқали онлайн режимида тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Бу ҳақдаги хабар хизмат тугагандан сўнг дарҳол истеъмолчининг телефонига келади.

– Баъзи истеъмолчилар газ жиҳозларида носозлик кузатилгач, газ таъминоти ходимлари хонадонига тез етиб келиб, хизмат кўрсатмаганидан норози бўлиб, мурожаат этади, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали сервис хизматини ривожлантириш бўлими масъул ходими Ш. Тоҳиров. – Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 2-иловасида “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари” белгилаб қўйилган. Унда газдан фойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида газ таъминоти ташкилоти томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича таъмирлаш муддатлари баён қилинган бўлиб, хизмат кўрсатиш муддати ҳолатнинг хавфлилик даражасига қараб белгиланади.

– Бу жараёнда истеъмолчи хонадонида табиий газ сизиб чиқиш ҳолати кузатилса, соҳа ходими дарҳол бориб хизмат кўрсатиши керак, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали сервис хизматини ривожлантириш бўлими мутахассиси Жовли Норбоев. – Овқат тайёрлаш ёки иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида бир кун давомида хизмат кўрсатилади. Иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) икки кун, газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда эса беш кун давомида хизмат кўрсатилиши зарур. Пировардида, бу ишларнинг барчаси истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилгани аҳамиятлидир.

ОАВ вакилларини қизиқтирган яна бир жиҳат шуки, бугунги кунда истеъмолчилар сўнгги технологиялар ёрдамида ишлайдиган махсус қурилмаларни харид қилиб, хавфсиз иситиш тизимини таъминлаш имконига эга бўлишмоқда. Шунингдек, горелкалар тугмалар орқали бошқарилади. Уларни ёқиш учун гугурт билан чақиб, ёндиришга ҳожат қолмайди.

## Горелкалар маиший ҳаётда нимага керак?

– Замонавий горелкаларда янги технология ва ишланмалар мавжуд бўлиб, улар табиий газ ёнишини максимум даражада оширишга ёрдам беради;

– бу қурилмаларни ўрнатиш ва жойидан кўчириш жуда осон. Ортиқча оворагарчиликларга эса ҳожат қолмайди;

– узоқ муддатгача чидамлилик ҳамда ишончли сифат;

– горелкалар санитар-гигиена қоидаларига жавоб беради.

Шунингдек, улар ортиқча шовқин-суронсиз ишлайди. Қурилмаларнинг яна бир ажралиб турувчи жиҳати, улар чидамли, ҳамёнбоп ва автоматлаштирилгандир.

Эслатиб ўтамиз: уйда газ ўчиб қолганидан 1 дақиқа ўтгач, горелканинг ёнғин хавфсизлиги клапани автоматик тарзда ёпилади. Шу билан бирга, газ қайтиб келганида, атрофга газ иси чиқмайди. Хонадон эгаси 40-50 фоизгача газни тежаб қолиши мумкин.

Яна бир муҳим нарса: кўпчилик хонадондаги эски сув иситиш қозонларини бутунлай янгилаш кераклигини ўйлаб, хавотир олишади. Бироқ бунга ҳожат йўқ. Узоқ йиллар давомида ишлатиб келинаётган сув иситиш қозони (котёл)ни олиб ташлаб, янги импорт қурилмаларни ўрнатиш шарт эмас. Шунчаки, унинг юза қисмини янги автоматлаштирилган горелкага алмаштириш кифоя. Агар ҳарорат тўғри белгиланса, сув маълум бир даражага етганда ўчади, совигандан кейин эса яна ёнади.

Автоматлаштирилган замонавий горелкалардан фойдаланган холда хонадонингиз учун қулайлик ва шинамлик муҳитини яратинг.

# Филиалларда иш қизғин

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўтган қишдаги аномал совуқ ҳамон ёдимиздан чиққани йўқ. У кунлар ким учундир сабоқ бўлди, кимгадир янада кўпроқ масъулият юклади. Айниқса, коммунал соҳа вакиллари бу борада ҳали олдинда катта ишлар турганини яна бир карра англаб етишди. Шу боис, бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳозирданоқ қизғин тус олган.**

Хусусан, “Ҳудудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиалининг “Янгиершаҳаргаз” газ таъминоти бўлими томонидан табиий газдан фойдаланувчи барча турдаги истеъмолчиларни 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумида бир меъёрда ва хавфсиз табиий газ билан таъминлаш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Фойдаланиш бўлими ходимлари томонидан йил бошидан буён 42 та аҳоли хонадони 3 босқичли тизимдан 2 босқичли тизимга ўтказилди. 1,3 километр газ қувурлари бўялиб, 5 та газ тақсимлаш пункти тафтиш қилинди. Газ қувурлари ҳам назоратдан ўтказилиб, ер ости ва усти газ қувурларида аниқланган 15 та газ сизиб чиқиш ҳолати бартараф этилди.

Ҳозирги кунгача Сервис ходимлари томонидан 842 та уй ичи газ жиҳози профилактик ва 845 та газ жиҳози техник кўрикдан ўтказилиб, куз-қиш мавсумига табиий газдан хавфсиз фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирилган. Бундан ташқари, ҳар бир истеъмолчи табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиши, қўлбола ва ностандарт газ жиҳозлари ўрнига янги замонавий энерготежамкор газ жиҳозлари қўлланилиши юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Бундай тадбирлар давомида энергиятежамкор газ жиҳозларининг афзал томонлари ҳақида истеъмолчиларга тегишли тушунтириш берилиб, 1153 та эслатма тарқатилди.

Жорий йил бошидан шу кунга қадар “Янгиершаҳаргаз” газ таъминоти бўлимига 76 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 55 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ишонч телефони, 16 таси Халқ қабулхонаси, 2 таси “Ҳудудгазтаъминот” АЖга pm.gov.uz, 3 таси Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Ишонч телефони орқали ҳамда 34 таси бўлимнинг ўзига ёзма ва 17 таси оғзаки тарзда тақдим этилган. Мурожаатларнинг 54 таси ижобий ҳал этилиб, 21 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди ҳамда 1 таси тугатиш қарори йўли билан кўриб чиқилган.

Шунингдек, бўлим томонидан 2020 йилда (Янгиер “табиий газ” online ҳисоб-китоб Аҳоли учун) деб номланган телеграм канал очилган бўлиб, ҳозирги кунда 1255 нафар иштрокчи мавжуд. Ушбу канал орқали табиий газ таъминотига оид эълонлар бериб борилади ва фуқаролар билан онлайн тарзда мулоқот ҳам қилинади. Бундан ташқари, Янгиер шаҳридаги 11 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам алоҳида телеграмм канали мавжуд бўлиб, бўлимнинг масъул ходимлари томонидан фуқаролар билан табиий газга оид онлайн суҳбатлар ўтказилмоқда. Эътиборли жиҳати, буларнинг барчаси фуқароларнинг ваколатли органларга бўлган мурожаатларини камайтиришга хизмат қиляпти.

Бундан ташқари, 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумида истеъмолчиларга бир меъёрда ва хавфсиз табиий газ етказиб бериш ишлари “Ҳудудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиалининг “Шириншаҳаргаз” газ таъминоти бўлими томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, истеъмолчиларни куз-қиш мавсумида бир меъёрда ва хавфсиз табиий газ билан таъминлаш ҳамда аҳолини табиий газдан оқилона ва белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда фойдаланиши юзасидан Сервис хизмати ходимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар ташкил этиляпти.

Ҳозирга қадар 150 дан ошиқ аҳоли хонадонидаги газ жиҳозлари техник ва профилактик кўрикдан ўтказилган бўлиб, куз-қиш мавсумига хавфсиз фойдаланиш учун тайёр ҳолатда. Шунингдек, ҳар бир истеъмолчи табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиши, қўлбола ва ностандарт жиҳозлар ўрнига замонавий энергиятежамкор буюмлардан фойдаланиши бўйича тарғибот ишлари ташкил этилган. Фуқароларнинг газ жиҳозлари кўздан кечирилиб, аниқланган носозликлар ўз вақтида бартараф этилаётганидан аҳоли ҳам мамнун. Зеро, техник ва профилактик кўрикдан ўтказилиб, соз ҳолга келтирилган жиҳозлардан куз-қиш мавсумида хавфсиз фойдаланиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, қанчалик эрта ва пухта ҳозирлик кўрилса, қиш фаслида аҳоли шунчалик қулай ҳамда муносиб шароитда яшаши шубҳасиз.

# Ягона табиий газ ҳаракати тизими жорий этилади

**Дилдора ТОШПЎЛАТОВА,** Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси катта инспектори.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги “Табиий газ ва суюқ углеводородни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, барча табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарига онлайн электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш, уларни солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали ягона автоматлаштирилган табиий газ ҳаракати тизимини жорий этиш назарда тутилган.**

Бундан ташқари, қарор билан 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудидан табиий газни қувурлар орқали ташиш (транзит) хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарига хроматограф ҳамда электрон ҳисоблагичлар ўрнатилиши ва солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши мажбурий ҳисобланиш белгиланди.

Шунингдек, ушбу қарор билан солиқ қўмитасига 2023 йил 1 июлга қадар табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид зарур маълумотларни киритиш учун ахборот тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди. Ушбу шартномаларга оид конфиденциал маълумотлар Солиқ қўмитасининг махсус ҳимояланган ахборот тизимига киритилади.

2023 йил 1 октябрдан бошлаб, табиий газ ва суюқ углеводород реализациясини амалга оширувчи ҳамда уларни харид қилувчи корхоналар томонидан табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид зарур маълумотлар Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритиб борилади. Табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномалар юзасидан электрон ҳисобварақ-фактуралар мазкур шартномалар бўйича Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида шакллантирилади.

Бундан ташқари, қуйидагилар тасдиқланди:

– замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиладиган табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарининг жамланма рўйхати;

– хроматографлар ўрнатиладиган табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарининг рўйхати;

– республика ҳудудида қўшимча қуриладиган газ ўлчаш станциялари рўйхати.

Шунингдек, табиий газни қазиб олишдан якуний истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш орқали унинг аниқ ҳисобини юритиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқлаш белгиланди.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило кредит от Всемирного банка (Банк) на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (сум без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Строительство сети питьевого водоснабжения на территории МСГ “Дустлик” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-21 | 116 423 000 | 70 |
| 2. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Кургонча” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-22 | 90 990 000 | 70 |
| 3. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Саноат” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-23 | 156 834 000 | 70 |
| 4. | Капитальный ремонт школы №29 на территории МСГ “Тошкургон” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-24 | 174 367 000 | 80 |
| 5. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Чорбог” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-25 | 97 797 000 | 70 |
| 6. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Гулдиёр” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-26 | 124 617 000 | 70 |
| 7. | Строительство сети питьевого водоснабжения на территории МСГ “Сойбуйи” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-27 | 156 617 000 | 70 |
| 8. | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Кайир” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-28 | 91 092 000 | 70 |
| 9. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ “Ахиллик” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-29 | 152 247 000 | 70 |
| 10. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ “Бодрокобод” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-30 | 164 670 000 | 70 |
| 11. | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ “Олмазор” Пахтаабадского района | MOEI-RIDP-AND-CS-31 | 98 481 000 | 60 |
